

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 5 октябрь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси

№ 193 (11.002)

Баҳоси эркин нархда

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кеча сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Миллий халқ рақсларини ёшлар орасида татбиқ этиш усуллари» мавзусида маънавий-маърифий давра сўбати ўтказилди. Унда «Камалак» халқ рақс дастаси, «Сўғдиёна», «Баҳор» рақс дасталари қатнашчилари иштирок этишди.
- **ШАҲРИМИЗДА** аудиторлик фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари бағишланган анжуман уюштирилди.
- **КЕЧА** Тошкент шимолий темир йўл вокзалида муқаддас ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларни кузатиш маросими ўтказилди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат авиация институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Ўзбекистоннинг 16 йиллик муқтадир тараққиёт йўли» деб номланди.
- **ШАҲРИМИЗДА** Мухтор Азевон номидagi Қозғисгон Давлат академик драма театри ижодкорларининг гастроллари бошланди. **ЎТган** куни Ўзбек Миллий академик драма театрида театр иқломида эълон қилинган «Айнан-Шайнан» спектакли намойиш этилди.
- **ШИФОКОРЛАР** иштирокида уюштирилган семинар-тренинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланди.
- **ЭКОЛОГЛАР** иштирокида шаҳримизда Урта Осиёда атроф-муҳит ифлосланиши ва унинг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Хоразм Маъмурият академиясида фаолият юритаётган мутахассислар томонидан таъйинланган маърузалар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## КАТТА ТЕННИС «КИЧКИНТОЙ» ДАН БОШLANADI

**«ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИ» КОРТЛАРИДА ДАВОМ ЭТАЁГАН «TASHKENT OPEN-2007» ТУРНИРИНИНГ КЕЧАГИ, ТўТИНЧИ КУН МУСОБАҚЛАРИ БИР**

**МАРОМИДА КЕЧДИ ДЕСАК Бўлади. Куннинг иккинчи ярмида иккинчи давра ўйинлари якунланиб, ярим финал учун беллашув олиб борадиган иштирокчилар аниқлаб олинди. Демак, доира яна қисқаргач, улар орасидан тўрт нафари кейинги финал босқичи учун йўлланмани қўлга киритади.**

Оқул Омонмуродова бугун биринчи бўлиб ўйинни бошлади. Унга рақиб сифатида, мўлжал қилганимиздек, франциялик Паулина Парментье кортга тушди. Эслатиб ўтамиз, кеча Паулина иккинчи даврада осонликча — 6/2, 6/1 ҳисобида россиялик Весна Манасевани доғда қолдирганди. Бугунги ушбу баҳс натижалари хали маълум бўлмаса-да, ярим финалда ҳамюртимиз (Оқул бу поғонага бемалол чиқишига умид боғлаймиз, албатта) учинчи бўлиб сараланган Ольга Говорцова (Белоруссия) билан беллашиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БЕЛЬГИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА БАҒИШLANGAN ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ Бўлиб ўтди. Унда МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИ ДАВОМИДА САЙЁҲЛИК ТАРМОҒИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ Тўғрисидаги БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАР ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ.**

Шунингдек, тақдирот қатнашчилари Ўзбекистоннинг тарихий ва мезморий ёдгорликлари, республикамиздаги оммабоп сайёҳлик йўналишлари ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг фаолияти билан атрофлича танишди.

Диёримизнинг сайёҳлик салоҳиятидан ҳикоя қилувчи «Welcome to Uzbekistan» («Ўзбекистонга хуш келибсиз») видеофильми мамлакатимиздаги кўна ёдгорликлар ва шаҳарларнинг чиройини кўриш ва баҳолашда тадбир иштирокчиларига ёрдам берди.


Бельгиядаги «Vitamin Travel» сайёҳлик компанияси директори Беа Суйсинг қайд этишича, Ўзбекистон ўзининг ноёб сайёҳлик имконияти билан дунё ва Европа



ШАҲРИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ КўРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

## БЕЛАРУСЬ МАҲСУЛОТЛАРИ КўРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кумагида Беларусь Республикасининг Савдо вазирлиги, «Белэкспо» миллий кўргазмалар маркази, Беларусунинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада «Минск трактор заводи» ва «Гомкишлоқмаш ишлаб чиқариш бириктирилган» лари, «Минск подшипник заводи» ОАЖ, «Белшина» компанияси, «Белфарм» концерни, «Бобрыйск-агромаш», «Могиевфитмаш», БелАЗ ОАЖ каби иқтисодийнинг турли тармоқларига тегишли 50дан ортиқ Беларусь компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Рақобатбардор ва халқаро андозлар талабларига жавоб берувчи ушбу маҳсулотлар машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари, фармацевтика ва



Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Василий Новак, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховлар ҳам хали хар иккила давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан кенг истиқболлар, очилмаган имкониятлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Василий Новак, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховлар ҳам хали хар иккила давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан кенг истиқболлар, очилмаган имкониятлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ўйлаймики, кўргазма давомида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиз ҳўжалик юритувчи субъектларининг Беларусдан кўпала шериклар топиши борасида катта имкониятлар очилади, кўпала ўзаро манфаатли шартномалар имзоланади.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: Беларусь маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳалар Р. Шағаев (ЎЗА) олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИНИНГ Кун ТАРТИБИГА КИРИТИЛган МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ 2-4 октябрь Кунлари давом ЭТИРИЛДИ.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этган «Тадбиркорлик субъектларини иқти- ёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини модала-модала муҳокама қилиш чоғида депутатлар қонун лойиҳасининг тақдимоти билан қарор қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Халқаро ишлар ва парламентаро алоқалар қўмитаси аъзоси Б.Нурмедовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисида» Битмига (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама чоғида тушган тақдирларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қисмидаги қонун ҳужжатларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Депутатлар

қўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, унинг асосий қондаларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Депутатлар

қўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, унинг асосий қондаларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Депутатлар

(ЎЗА)

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНган СўНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бугун «Янги авлод» республика бола- лар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичлари бошланди. Бу йилги фестиваль Нукус, Урганч, Навоий, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ўтказилиб, қўшни вилоятлардаги иштирокчиларни ҳам қамраб олади.
- Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида Ўзбекистон банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Самарқанд автомобиль заводининг япониялик мутахассислар билан ҳамкорлиги ўз мевасини бермоқда. Жорий йилнинг бошидан буюн корхонада 850 дан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилди. Ҳозирда Самарқанд автомобиллари Қозғисгон ва Озарбойжон республикаларига экспорт қилина бошланди.
- Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида панкреатологиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.
- Наманган вилояти Адлия бошқармасида нотариуслар, ФХДБ бюроси мудирилари ва архивариусларнинг кўрик-танлово якунланди.
- Қарши шаҳрида «Ўзбекистонда меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси» мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари «Маҳалла» жамғармалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- Гурлан туманидаги марказий деҳқон бозори ёнида замон талабларига жавоб берадиган катта буюм бозори иш бошлади. Тўрт гектарлик янги бозор минга савдо ўрни ва 110 та дўкондан иборат бўлиб, қишки павильоннинг иккинчи қаватидан алоқа, интернет, компьютер хизматлари хоналари, қаҳвахона жой олган.
- Наманган Давлат университетида «Муқобил энергетика ва энергияни тежаш муаммолари» мавзусидаги анжуман ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

- Пхеньянда ўзаро музокаралар ўтказилган Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари раҳбарлари кеча Сарик денгизда махсус тинчлик худуди барпо этиш тўғрисидаги қарорни имзоладилар.
- Бугун Россияда ўқитувчилар кун байрами нишонланди. Байрам арафасида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» танловида илк бор икки нафар ўқитувчига бош соврин насиб этди.
- Кеча Конго Демократик Республикаси пойтахти Кишаса шаҳрининг аҳоли турар жойига ҳалокатга учраган «АН-26» самолётининг кулаб тушиши натижасида 10 та турар жой биноси вайрон бўлди, 15 киши ҳаётдан қўз юмди ва 30 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Самолётнинг уч нафар ўқувчиси ва унинг бортида бўлган 20 киши ҳам ҳалокат қурбонларига айланди. Ҳозирда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.
- Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳри яқинидаги Elandsrand олтин қонида рўй берган ҳалокат туфайли 3200 нафар шахтёр 2,2 километр чуқурликдаги шахтада қолиб кетганди. Кеча амалга оширилган қутқарув ишлари натижасида барча қончилар эсон-омон ташқарига чиқариб олинди. Ушбу ҳалокат қон соҳиблари томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаганлиги натижасида рўй берган.
- Ўтган ҳафта Мьянма пойтахти Янгонда бўлиб ўтган оммавий норозиликлар ҳарбий куллар томонидан бостирилгач, қамоққа олиш жараёни авж олиб кетди. БМТнинг Мьянмадаги махсус вакили Иброҳим Камбарнинг айтишича, намойишда қатнашган роҳиблардан 1000 нафари қамоққа олинган.
- Испания полицияси таъқиқланган «Батасуна» партияси ва ЭТА айричмалар гуруҳи етакчиларидан бири Хосеба Альваресни қамоққа олди. У шу йилнинг 9 сентябрда «Асхатасуни» ҳаракатини ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган ноқонуний намойишни ташкил этганликда айбланмоқда.
- Перуда ноқонуний тарзда ўрмон кесувчиларни излаётган экологлар Амазонка ўрмонларида илгари номаълум бўлган қабилга дуч келдилар. Ҳозирча ушбу қабил аҳли фақат видеотаасвирга олинган бўлса-да, тез орада ушбу худудни ўрганиш учун экспедиция ташкил этилиши режалаштирилмоқда.
- Хитойнинг Ляонин музофотида фирибгарлик йўли билан кишиларни алдаб келган йирик компания фош этилди. Ecological Breeding компанияси қора чуқулларни қўпайтиришга ихтисослаштирилган фермага асос солиш ёлғон ваъдаси орқали музофот аҳолисининг 400 миллион АҚШ долларини микдоридаги пулини ўзлаштириб олгани аниқланди.
- Америкалик олимлар Юта штатида 800 та тишли динозаврнинг қолдиқларини топишди. Грпозаврлар оиласига кирувчи ушбу динозаврнинг узунлиги 9 метр бўлиб, қўрқинчли кўринишига қарамай, майса билан озикланган. У бундан 75 миллион йил аввал яшаган бўлиб икки оёқда ҳаракатланган.

«Жаҳон» АА Брюссель



ТОШКЕНТДА 4 ОКТЯБРЬ КУНИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ (ЎзЛиДеП) СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПАРТИЯ СИЁСИЙ КЕНГАШИ, ПАРЛАМЕНТДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, МАЗКУР ПАРТИЯНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

### ЎзЛиДеП СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Мажлисда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда сўзга чиққанлар 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мажлисида демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган улуғ сиёсий воқеа эканини таъкидладилар.

Ушбу партия ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз дастурий мақсадларини ҳаёtgа ижро қилишда татбиқ этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда ҳаракатлантирувчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини амалда ифода этувчи сиёсий кўнга айланди.

### ПЕДИАТРИЯ ХИЗМАТИ: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА “ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРИЯСИ: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ” МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ, ПЕДИАТРЛАР, БОЛАЛАР ХИРУРГЛАРИ, АНЕСТЕЗИОЛОГЛАРИ ВА РЕАНИМАТОЛОГЛАРИ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ, ШИФОКОРЛАРИ, ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА РОССИЯ, ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, УКРАИНА, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАН КЕЛГАН МУТАХАССИСЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.


Қайд этилганидек, мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш вазифаси давлатимиз раҳбари юротаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ислохотлар жараёнида тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш, шифокорларнинг оилаларга, болалар таълим-тарбия муассасалари ҳамда маҳаллаларга, бир сўз билан айтганда, кенг аҳоли қатламлари орасига чуқур кириб боришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос шакли – қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ташкил этилиб, уларда ишлайдиган оилавий шифокорлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий диагностика ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш мақсадида халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликда “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки томонидан амалга

оширилаётган “Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги туғуруқ мажмуалари реконструкция қилиниб, замонавий тиббий воситалар билан жиҳозланмоқда. Жойлардаги қон қуйиш станциялари фаолияти такомиллаштирилди.

Болаларга тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун Республика шояли тиббий ёрдам илмий марказида педиатрия мажмуаси фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу шифо мажмуасида касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш борасида жаҳондаги энг илгор тиббий воситалар ва технологиялардан фойдаланилмоқда.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири – болалар ўртасида ногиронликнинг олдини олишдир. Бу борада она ва бола скрининги хизмати самарали иш олиб бормоқда. Оналар ва болаларда камқонлик, турли моддалар етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган хасталикларнинг олдини олиш мақсадида унинг фойдаланиш элементлари билан бойитиш ва аҳолини йодланган туз билан таъминлаш борасида миллий



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Улуғларга камтарлик ярашади. Кўлинг қисқа бўлиб қолса мабодо, Бировларга юкинг солмагин асло.

Уй олмоқ тиласанг, кўншининг сўра, Ер олмоқ тиласанг, ер-сувин кўр-а.

Сўзни ўйлаб сўзла — яша қайғусиз, Бекор берма вақтни — чекмайсанф-сус.

Гердайма кўп ортиқ — олқиш оласан, Хасис бўлма асло — қарғиш оласан.

Оламга ёйилмоқ тиласанг отинг, Меҳмонни эзгу тут, югурар отинг.

Киши паст бўлма, бўғиз мойили, Нафсинг дея бўлма томоннинг кули. Неча обрўли, зўр, доно, ботир эр Бўғзини тиёлмай охир бўлди ер. Бировлар қозониб шухрат эл аро, Тия билмади нафс — юз бўлди қаро. Неча бойни кўрдим — нафсинг тўқуни,

Нафси хароб қилди оқибат уни. Бўғиз кули бўлма, эй нафси бузуқ, Кул бўлсанг, чораси топилмас тузуқ

Улуғлар кўлини чўзмагунча то, Одоблим, кўлингга олмагин гизо.

Қанчалик тўқ бўлма, олиб тургин ош Одамга қараб ош ейишар, қардош. Нима олсанг, тишла, чайна майдала Пуфламагин аммо овқатга қараб. Емгани сурмагин ўзингга яқин, Озор бермасин бу қилигинг тагин.

Таълим-қондани билолмас киши Гуруннга қўшилса, юришмас иши.

Таомни шодон е, кўлингга олиб, То бекач севинсин назарни солиб.

Киши кўнгли синса, кетар ҳаловат, Яқинлик бузилар, етиб фалокат. Яқинлик тиласанг, бўлгин ахли дил, Кўнгил синмоғидан узоқлаша бил.

Таом емоғингда бўларкан меъёр, Сихату солимлик бўлар сенга ёр.

Касалликдир асли ўлимга доя, Касаллик келибди — ўлим ҳамсоя.

Одоб-тартибни билган одам зоҳран дилкаш бўлади.

Кўп еовчиларнинг овқати бадҳазм бўлади, овқати бадҳазм бўлган киши дарданд бўлади.

Дард томоқдан киради, шунинг чун нафсингни тий.

Мижозга ўтирмайдиган овқатдан воқе-чиш керак.

Мабодо мижозингни билмайдган бўлсанг, иссиқлик ва совуқлик оралиғидан бир меъёрга амал қил.

Киши овқатни оз еса, саломатликда ғам-ғам.

Соғлиқ тиласанг гар бедард, бекаса, «Оз» деган дорини егин ҳар маҳал.

Замон ўтиб, доно бўлмаса инсон, Уни инсон дема, де йилқи, ҳайвон.

Томоқ гинаси жуда ёмон бўлади, йундай гинали одам ўчакишиб, кек сақлади, бу кек ўлгандагина қолади.

Зиёфатга таклиф қилувчилар тўрт ойфа бўладилар, борувчилар ҳам тўрт тифа бўлади.

Бир тоифа таклиф қилинса, зиёфат албатта боради, нима билан сийласанг, ўшани еб-ичади. Лекин жавобан ўзи унга одам таклиф қилмайди, овқатини унда боши ва бурни билан бурканиб, ўзи еди.

Тагин бир хил кишилар таклиф қилсалар, зиёфатга борадилар, зиёфатнейдилар ва жавобан ўзлариникига ҳам таклиф қиладилар. Тагин бир тоифа кишилар зиёфатгўзи ҳам бормади, бошқаларни ҳам таълим қилмайди. Ундай кишилар ўликдир, сен уни тирик қаторига қўшмагин, унга қўйма, у билан борди-келди қилма. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

### Маънавият

#### «ОИЛА» ТАДҚИҚОТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ФАРМОНИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР «ОИЛА» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ УЧУН АСОСИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Марказнинг ўзбек оилалари орасида ўтказган мониторингинг масалаларга оидлик қилди. Ушбу савол-жавобдан маълум бўлдики, оила қурган эр-хотинлардан 80,3 фоизи фарзандларга эга. Ёш оилалардан 27,3 фоизи давлат томонидан қўшимча ёрдамга муҳтож эмас. 9,1 ёш оила микрокредит тизимидан фойдаланишни истайди.

#### ВАТАНГА ЭҲТИРОМ ТУЙҒУСИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМЛАРИ САНАЛАРИГА БАҒИШЛАБ ҲОП ЭТИЛАЁТГАН ТўПЛАМЛАР КИТОБХОНЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА. «БИЗ — ЎЗБЕКИСТОН

### 2007 — Ижтимоий ҲИМОЯ ЙИЛИ

#### БОЛАЛАР ШОДЛИГИ ОЛАМНИ ТУТДИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 33-СОНЛИ МАХСУС МАКТАБ БОЛАЛАРИНИНГ БУГУН ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ. ЧУНКИ УЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ СИФАТИДА ЯНГИ РУСУМДАГИ «ИСЗУ» АВТОБУСЛАРИ ТАНТАНАЛИ СУРАТДА ТОПШИРИЛДИ.

Тумандаги «Тинчлик», Шукур Бурхон, Бобур каби бир қатор маҳалла фаоллари ва «Камолот» ЁИХ аъзолари уларнинг қувончларига шерик бўлишди.

Сергели туман халқ таълими бўлими тасарруфидан 33-сонли махсус имконият чекланган болалар мактаби ўқувчиларининг сони 189 та бўлиб, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида 2005-2007 йилларда мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Таъмирлаш ишларига давлат томонидан 87 миллион сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

Таъмирдан кейин компьютер хоналарига янги компьютерлар ўрнатилди. Ўқув хоналари эса янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, мактаб тарбияланувчилари учун мактаб ошхонаси ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Мактаб боғлари ободонлаштирилди, жонли бурчаклар ташкил этилиб, улар турли-туман қўшлар ва жонзотлар билан янада бойитилди. Ҳар йилгидек мактаб ўқувчилари қийим-кечак ва озиқ-овқатлар билан таъминланди. Ҳамкорлар томонидан турли хил ўқув куроллари совға қилинди.

— Бундай қўлай шароитлар болаларнинг янада камол топишига замин яради, — дейди махсус мактаб директори Зухра Ёдгоровна. — Албатта бунда биз устоз-мураббийларнинг ҳам қўшадиган ҳиссамаси салмоқли бўлиши керак. Давр талабига яраша таълим-тарбия бериш ҳар биримиз учун катта масъулият юклайди.

Алишер МИРЗАЕВ

#### ФАРЗАНДАРМИМIZ ДЕГАН МАВЗУГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ ТАНЛОВ ИЖОДҚОР ЁШЛАР ИСТЕЪДОДИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЁН ЭТДИ.

Чиндан ҳам ижодий кўриқда кўпгина ёшлар қатнашиб, Ватан ва халқ ардоғида бўлган йигит-қизларнинг бугунги турмуш тарзини мадҳ этувчи публицистик мақолалар ёздилар. Танловда ғолиб деб топилган энг яхши ижод намуналари жамланиб, «Дилларда Ватан мадҳи» деган номда тўплам қилиб чоп этилди.

#### ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўЛИДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ЯПОНИЯНИНГ ЛІКА ТАШКИЛОТИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Яқинда ЛІКА ташкилоти шахримизда жойлашган биринчи республика тиббиёт коллежиде таҳсил олаётган уч мингдан зиёд ўқувчилар учун бир қатор тиббий ўқув жиҳозларни тақдим этди. Бу воқеа мазкур ўқув дар-

гоҳи учун янгилик эмас. Боиси бундай ҳаракатлар 2004 йилдан бери икки давлат ўртасида имзоланган ҳамшираллик иштини такомиллаштиришга қаратилган беш йилга мўлжалланган махсус лойиҳа асосида амалга оширилмоқда.




— Мазкур лойиҳа асосида ўттиздан ортиқ ўқитувчи ҳамда амалиётдаги ҳамшираларимиз Японияда малака ошириб қайтишди, — деди Биринчи тиббиёт коллежи ўқитувчиси Шоира Исҳоқова. — Жорий йил коллежимизда биринчи курс талабалари ушбу лойиҳа асосида ўқишга қабул қилинди.

Яқунловчи босқичга бағишлаб ўтказилган семинарда сўзга чиққанлар лойиҳанинг аҳамияти ва ўзига хос ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, ҳамшираллик иши дастурларининг аҳамияти ҳақида юртимиздаги амалиётчи ва назарийчи тиббиёт ходимлари ўз фикрларини билдирдилар.

— 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ҳамда ЛІКА ташкилоти томонидан ушбу лойиҳанинг самарадорлиги бўйича тадқиқот ўтказилди, — дейди ЛІКА ташкилоти мутахассиси Яхумуру Жайқура. — Натиха эса ҳамшираллик иштини такомиллаштиришга қаратилган махсус лойиҳани бошқа тиббиёт ўқув муассасаларида ҳам ўқитилиши лозимлигини кўрсатди.

Анжуманда жамоада ҳамшираллик иши, физиологик парварши каби янги ўқув дастурларининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Эндиликда мазкур билим юртида янги ўқув йилидан бошлаб уч минг нафардан зиёд ўқувчи дастур бўйича таълим олади.

«Туркистон-пресс»



### «БИЕННАЛЕ»НИНГ НУҒУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КўРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА IV ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САЊАТ «БИЕННАЛЕ»СИ БОШЛАНДИ.

«NEW: хаёлот ва ҳақиқат» мавзусидаги мазкур кўргазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилаётган бўлиб, унда Франция, Россия, Швейцария, Хитой, АҚШ, Миср каби 32 мамлакатнинг юздан ортиқ санъат соҳаси вакиллари ўзларининг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, бадий графика каби анъанавий санъат йўналишлари билан бирга замонавий турдаги видео, фото арт, перформанс, инсталляция каби мавзулардаги бетакрор ишларини намойиш этмоқдалар.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти,

Маннон Уйғур номидаги санъат институти талабаларининг илк бор иштироки «Биеннале»нинг қамрови тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Санъат кўргазмасига Тошкентдаги Гёте институти қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилган «Германияда видеоартга 40 йил» экспозицияси ҳам ўзига хос жозиба бағишлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда халқаро майдонда тақдими ўтказилган DVD тўпламдан ўрин олган 12 та DVD мухлислар эътиборига хавола этилмоқда.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

### «Камолот»

#### ЕТАҚЧИЛАР САЙЛАНДИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИМИЗНИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИДА, АЗИМ ТОШКЕНТИНИНГ ҲАММА ТУМАНЛАРИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА «КАМОЛОТ» ЁИХ ТОМОНИДАН САЙЛОВЛАР ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

Ҳаракатнинг Миробод туман бўлими томонидан туманда жойлашган 16 та умумтаълим мактабларида бошланғич ташкилот етакчиларининг сайловлари ташкил этилди. Сайлов якунига кўра, янги 16 нафар сардор ва етакчилар сайланди. «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчи сардорлари; «Бинафша» фаол қизлар сардорлари; «Маънавият, тарғибот ва ташвиқот»


клуби сардорлари; «Соғлом авлод ва спорт» клуби сардорлари; «Истеъдод» клуби сардорлари шулар жумласидандир. Ушбу сардор ва етакчиларнинг зиммаларига шарафли ва масъулиятли вазифа юкланди. Улар ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш, спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол ўсишида, истеъдодларини юксалти-

ришда, ўсиб келаётган ёш қизларни ҳаётга хар томонлама тайёр бўлишида ҳамда ўғил болаларни бардам-бақувват ва ўз ватанига содиқ ва муносиб фарзанд бўлиб етишишида ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил ҳаракат қилишларини айтди.

Янги 2007-2008 ўқув йилида сайланган сардор ва етакчилар ўқув йили мобайнида ўзларига юклаган ишларни амло даражада бажарадилар деган умиддамиз. Шу билан бирга, улардан мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлайдиган ва Ватанимизнинг нуфузини бундан-да баландра кўтарадиган етук малакали кадрлар етишиб чиқишига ишонамиз.

Мирзо Муҳаммад АЛИШЕР, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси





## КАТТА ТЕННИС «КИЧКИНТОЙ» ДАН БОШЛАНАДИ

лик кўрсатиш ва албатта мамлакатимиз шўратини жаҳон ҳамжамиятида ошириш каби муҳим омиллар ётади.

Мустақиллик йилларида, барча соҳалар каби, жисмоний тарбия ва спортда ҳам кўп ижобий ютуқларга эришилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ушбу муҳим ижтимоий тузилманинг моддий-техник негизи тубдан янгиланиб, мустақамлалиб бормоқда. Жойларда юзлаб халқаро андозаларга жавоб берадиган спорт мажмуалари барпо этилди. Бугун ҳаттичи республикамизнинг узок-узок қишлоқ ҳудудларида ҳам спортнинг ривожланиб бораётганини сезиш қийин эмас, яъни бу борада барча шарт-шароитлар яратилгандир. Деярли ҳар бир маҳаллада, ўқув юртиларида кўзи кувонтирадиган, фахр ифтихор туйғуларини жўш урдирадиган спорт мажмуалари фаолият юритмоқда.

